

**Маратов Темур Ғайрат ўғли,**

Тошкент Кимё халқаро университети «Педагогика ва психология» кафедраси доценти вазифасини бажраувчиси.

**Бутаева Нодира Худояровна,**

Тошкент Кимё халқаро университети магистранти

## ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

УЎК: 159.9

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL\\_2025\\_ISSUE\\_11\\_9](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_11_9)

### **МАРАТОВ Т.Ғ., БУТАЕВА Н.Х. ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

Мақолада ҳозирги даврда жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва рақамли ўзгаришлар шароитида оилавий ажримларнинг ортиб бориш сабаблари ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёритилади. Оила барқарорлиги шахс камолоти ва ижтимоий қадриятлар узлуксизлиги билан бевосита боғлиқдир. Тадқиқот А.Гидденс, Э.Фромм, Ж.Готман ва К.Рожерснинг оилавий муносабатлар ва ҳиссий уйғунлик ҳақидаги назарий қарашларига таянади. Методологик асос сифатида социопсихологик ёндашув ва эмпирик таҳлил (сўровнома, фоизли ва сифатли таҳлил) усуллари қўлланилган. Натижалар ажримларнинг олдини олиш учун ёшларни психологик тайёрлаш, оилавий ҳаёт психологияси фанини таълим тизимида киритиш ҳамда соғлом мулоқот маданиятини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Таянч сўз ва тушунчалар: оилавий ажрим, ижтимоий-психологик омиллар, мулоқот маданияти, ҳиссий уйғунлик, профилактика, қадриятлар.

### **МАРАТОВ Т.Ғ., БУТАЕВА Н.Х. СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ СЕМЕЙНЫХ РАЗВОДОВ**

В статье рассматриваются социально-психологические причины роста семейных разводов в условиях современных социально-экономических, духовных и цифровых изменений. Стабильность семьи напрямую связана с личностным развитием и преемственностью общественных ценностей. Теоретическую основу составляют концепции А.Гидденса, Э.Фромма, Дж.Готмана и К.Роджерса о семейных отношениях и эмоциональной гармонии. Используются социопсихологический подход и эмпирические методы (анкетирование, количественный и качественный анализ). Результаты показывают необходимость психологической подготовки молодежи к браку, внедрения курса «Психология семейной жизни» и развития культуры здорового общения.

Ключевые слова и понятия: семейный развод, социально-психологические факторы, культура общения, эмоциональная гармония, профилактика, ценности.

### **MARATOV T.G., BUTAYEVA N.KH. SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MARITAL DIVORCE**

The article analyzes the socio-psychological factors contributing to the increase in marital divorces amid modern socio-economic, moral, and digital transformations. Family stability is closely linked to personal development and the continuity of social values. The study draws on the theoretical ideas of A. Giddens, E. Fromm, J. Gottman, and C. Rogers regarding family relations and emotional harmony. A sociopsychological approach and empirical methods (survey, quantitative and qualitative analysis) were applied. Findings emphasize the importance of premarital psychological preparation, introducing a "Psychology of Family Life" course, and promoting a culture of healthy communication.

Key words and concepts: marital divorce, socio-psychological factors, communication culture, emotional harmony, prevention, values.

**Ишнинг долзарблиги.** Ҳозирги даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгаришлар оила институтининг барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Оила – жамиятнинг асосий ижтимоий бирлиги сифатида инсон шахсини шакллантириш, ижтимоий қадриятларни авлоддан-авлодга узатиш, миллий ўзликни сақлаш ва фарзанд тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан, оиланинг мустақамлиги нафақат шахсий, балки ижтимоий барқарорлик ва миллий тараққиётнинг ҳам кафолати саналади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ажримлар сонининг ортиб бораётгани, ёш оилалар ўртасида низолар ва руҳий-эмоционал муаммоларнинг кучайгани бу масалани чуқур таҳлил этиш заруратини туғдирмоқда. Бу ҳолат оилавий қадриятларнинг ўзгариши, иқтисодий босимлар, меҳнат миграцияси, рақамли маданият ва ижтимоий тармоқларнинг таъсири, шунингдек, психологик ва ҳуқуқий тайёргарликнинг етишмаслиги каби омиллар билан боғлиқ бўлиб, бундай шароитда оилавий ажримга сабаб бўлувчи омилларни илмий асосда ўрганиш, уларнинг ижтимоий-психологик, иқтисодий ва маданий жиҳатларини таҳлил қилиш ҳамда ажримларнинг олдини олишга қаратилган комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий вазифа ҳисобланади.

**Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили.** Ғарб ижтимоий фанларида оилавий ажрим масаласи жамиятнинг модернизацияси, шахсий эркинлик ва индивидуализм жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. А.Гидденс ўз илмий

тадқиқотларида замонавий жамиятда "соф муносабатлар" концепциясини илгари суради, унга кўра, замонавий никоҳлар анъанавий мажбурият эмас, балки ўзаро ҳис-туйғуларга асосланган ихтиёрий бирлик сифатида қаралади. Шу сабабли, ҳис-туйғулар сўниши билан бундай никоҳлар барқарорлигини йўқотади [3]. У.Ж.Гуд эса ажримлар сонининг ортиб боришини индустриал жамиятларга хос ижтимоий-структуравий ўзгаришлар билан боғлайди. Унинг фикрича, саноатлаштириш натижасида оиланинг иқтисодий функциялари камайиб, унинг ҳиссий-психологик вазифалари илгари сурилади, бу эса ички зиддиятларга замин яратади [4]. Психологик йўналишда Ж. Готман ажримнинг психологик сабабларини чуқур таҳлил қилиб, оилавий ажримларга олиб келувчи "Тўрт омил" моделини ишлаб чиққан. Бу моделда эр-хотин ўртасидаги танқид, ҳимоявийлик, менсимаслик ва мулоқотдан қочиш хулқлари ажримнинг энг муҳим белгиларидан бири сифатида кўрсатилган [5]. Э.Фромм эса ўзининг "Севиш санъати" асарида оила инқирозларини инсоннинг "истеъмомчилик муҳаббати" ва ички бўшлиғи билан боғлайди — яъни муҳаббатни бериш эмас, фақат олиш сифатида талқин этиш жамиятда мустақам оилавий муносабатларнинг шаклланишига тўсиқ бўлади [2]. К.Роджерс эса шахслараро мулоқотдаги самимият ва эмпатиянинг етишмаслигини ажримга олиб келувчи асосий омиллардан бири сифатида таъкидлайди [7].

МДХ мамлакатларида олиб борилган илмий изланишлар оилавий ажримларни ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар ва психологик номувофиқлик

## 1-жадвал. Талабаларнинг ажримларнинг асосий сабаблари ҳақидаги тасаввурлари

Сабаблар	Жавоб берганлар (%)
Молиявий қийинчиликлар	68%
Мулоқот етишмаслиги	61%
Руҳий-эмоционал мос келмаслик	58%
Қайнона-қайнота аралашуви	47%
Ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсири	45%
Хиёнат ёки ишончсизлик	41%
Меҳнат миграцияси	29%
Ичкиликбозлик ва зарарли одатлар	25%

билан боғлайди. Н.В.Кузьмина ўзининг “Оила ва никоҳ психологияси” асарида ажримларни оилавий роллардаги мувозанатнинг бузилиши, ҳиссий чарчоқ ва мулоқот маданиятининг пастлиги билан изоҳлайди. У психологик мосликнинг пастлиги ва оилавий низоларни ҳал этиш кўникмалари етишмаслиги барқарор оилавий муносабатларни издан чиқарувчи асосий омил эканини илмий асосда исботлаб берган [11]. Тадқиқотчилар Е.Алтинбекова ва С.Байгабиловлар миллий менталитетдаги ўзгаришлар, меҳнат миграцияси, моддий босим ҳамда жинсий роллар мазмунининг янги талқини ажримларга олиб келатганини таъкидлайдилар [9; 10].

Психолог олимлар У.Ибайдуллаева [6], З.Г.Акрамова [1] ва Д.Утемуратова [8] тадқиқотларида эса ажримлар сабаблари сифатида мулоқот етишмаслиги, руҳий стресс, иқтисодий босим, меҳнат миграцияси ва ижтимоий тармоқларнинг ҳиссий совуқликка олиб келиши алоҳида таъкидланган. З.Г.Акрамова ўз илмий ишида “эмоционал ажрим” тушунчасини илгари суриб, никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан сақланиб қолган ҳолда ҳам ҳиссий узилиш рўй бериши мумкинлигини илмий асосда исботлаб берган [1].

**Тадқиқотнинг мақсади** талабалар ўртасида оилавий ажримларга сабаб бўлувчи асосий омиллар ҳақидаги тасаввурларни, шунингдек, ажримларга нисбатан уларнинг ижтимоий-психологик муносабатларини эмпирик йўл билан аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- оилавий ажримларнинг ижтимоий-психологик сабабларини аниқлаш;
- ажримга олиб келувчи шахслараро муносабат муаммоларини ўрганиш;

- жамият ва оммавий ахборот воситаларининг оилавий қадриятларга таъсирини баҳолаш;

- оилавий ажримларнинг психологик оқибатларини ўрганиш;

**Тадқиқот усуллари:** сўровнома (анкета - 16 та саволдан иборат), статистик таҳлил: частотали ҳисоблаш, ўртача балл, ранг шкаласи, сифат таҳлил - очиқ саволлардаги фикрларни тематик гуруҳлаш.

**Тадқиқот объекти** – бу Тошкент Кимё халқаро университети 2–4-курс бакалавр талабалари (жами 120 нафар респондент).

**Тадқиқот предмети** – бу талабалар тасавурида оилавий ажримларга олиб келувчи омиллар, ижтимоий, психологик, иқтисодий, маънавий ва маданий сабаблар.

**Тадқиқот натижалари ва асосий мазмуни.**

Мазкур тадқиқотнинг мазмуни ёшлар тасавурида оилавий ажримларга сабаб бўлувчи асосий омилларни аниқлаш, уларнинг психологик, ижтимоий ва маданий илдиларини таҳлил қилиш ҳамда ажримларнинг олдини олишга доир самарали йўналишларни белгилашга қаратилган. Тадқиқот доирасида ТКИУ (Тошкент Кимё халқаро университети)нинг 2–4-босқич талабалари ўртасида ижтимоий-психологик сўровнома ўтказилиб, умумий 120 нафар респондент иштирок этди. Тадқиқотнинг методологик асосини сўровнома, частотали ҳисоблаш, ўртача балли аниқлаш, ранг шкаласи ва сифатли таҳлил усуллари ташкил этади.

Натижалар шуни кўрсатадики (1-жадвал), оилавий ажримларнинг асосий сабаблари орасида иқтисодий ва коммуникатив омиллар етакчи ўрин тутди. Хусусан, 68 фоиз респондентлар молиявий қийинчиликларни ажримга олиб келувчи асосий сабаб сифатида кўрсатган. Бу ҳолат оиланинг иқтисодий

**2-жадвал. Оилавий ажримларга оид ижтимоий-психологик омиллар бўйича респондентлар фикрлари**

Баёнот	Тўлиқ қўшиламан (%)	Қисман қўшиламан (%)	Қўшилмайман (%)	Ўртача балл (1–5)
Ёшлар оила қуришга психологик тайёр эмас	54	34	12	4,2
Моддий фаровонлик оила мустақамлиги учун муҳим	72	20	8	4,5
Ижтимоий тармоқлар ажримларга сабаб бўлмоқда	38	42	20	3,9
Ота-оналар аралашуви оилани бузади	41	37	22	3,8

барқарорлиги ва моддий таъминоти руҳий тинчлик ҳамда ўзаро ишонч учун муҳим омил эканини тасдиқлайди. Молиявий қийинчилик ҳолатларида стресс, тушкунлик, ўзаро айблаш ва норозилик кучаяди, бу эса оилавий зиддиятларнинг кучайишига замин яратади. Шунингдек, 61 фоиз ҳолларда мулоқот етишмаслиги ажримларга сабаб бўлаётгани аниқланган. Бу эр-хотин ўртасидаги ҳиссий яқинликнинг сусайиши, бир-бирини тинглаш ва тушуниш кўникмасининг заифлашуви билан боғлиқ бўлиб, оилавий муносабатларда энг муҳим психологик омиллардан биридир. Руҳий-эмоционал мос келмаслик 58 фоизни ташкил этиб, шахслараро фарқлар, темпераментдаги тафовутлар ва қадриятлардаги номувофиқлик оиланинг ички муҳитига салбий таъсир кўрсатишини кўрсатади. Бундай ҳолатлар узоқ муддатли стресс, совуқлик ва ўзаро бегоналашувга олиб келади. Шунингдек, ташқи омиллар ҳам оилавий ажримларда муҳим ўрин тутаяди. Қайнона-қайнота аралашуви (47%) оилавий мустақилликнинг бузилишига, қариндошлик доирасидаги ортиқча назорат ва босимлар эса эр-хотин ўртасидаги мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг заифлашувига олиб келади. Ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсири (45%) эса замонавий оилаларнинг янги ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, рашк, солиштириш, виртуал алоқа орқали беқарорлик ва ишончсизликни кучайтиради. Бундан ташқари, 41 фоиз респондентлар хиёнат ёки ишончсизликни, 29 фоиз меҳнат миграциясини, 25 фоиз эса ичкиликбозлик ва зарарли одатларни ажримларнинг сабаби сифатида қайд этган. Бу омиллар ахлоқий қадриятларнинг емирилиши, узоқ муддатли айрилиқ, ҳиссий совуқлик ва ижтимоий назоратнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Умуман олганда, таҳлил натижалари оилавий ажримлар биргина омил эмас, балки мураккаб психосоциал жараёнлар мажму-

аси эканини кўрсатади. Асосий сабаблар орасида иқтисодий босим, мулоқот етишмаслиги ва ҳиссий мосликнинг йўқлиги марказий ўрин тутаяди. Шу боис оилавий барқарорликни таъминлашда мулоқот маданиятини ривожлантириш, психологик маслаҳат тизимини кучайтириш, иқтисодий саводхонликни ошириш ҳамда оммавий ахборот воситаларининг оилавий қадриятларга бўлган масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу тадқиқот натижалари оилавий ажримларнинг олдини олишда профилактик чоралар, психологик тренинглар ва оилавий маслаҳат марказлари фаолиятини янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Натижалар (2-жадвал) ёшлар орасида оилавий ажримларга олиб келувчи ижтимоий-психологик омиллар ҳақидаги фикрларнинг устувор йўналишларини акс эттиради.

Биринчидан, моддий фаровонликнинг оила мустақамлиги учун муҳимлигига респондентларнинг аксарияти (72%) тўлиқ қўшилган. Бу натижа оила барқарорлигининг иқтисодий омилларга кучли даражада боғлиқлигини кўрсатади. 4,5 балл ўртача кўрсаткич бу фикрнинг жамиятда деярли умумий эътироф этилганини англатади. Молиявий етишмовчилик оилада стресс, низолар ва ажрим хавфини оширувчи асосий сабаб сифатида кўрилади.

Иккинчидан, “ёшлар оила қуришга психологик тайёр эмас” деган фикрга 54% тўлиқ, 34% қисман қўшилган. Бу натижа ёш авлодда эмоционал етуклик, сабр-тоқат ва конфликтларни бошқариш кўникмалари етарли эмаслигини кўрсатади. Ўртача балл – 4,2 бўлиб, психологик тайёргарлик масаласи ажримлар профилактикасида муҳим омил эканлигини тасдиқлайди.

Учинчидан, ижтимоий тармоқларнинг ажримларга сабаб бўлаётганига оид фикрга 38% тўлиқ, 42% қисман қўшилган. Бу дегани, кўпчилик респондентлар ижтимоий

**3-жадвал. Ажримларнинг олдини олиш бўйича талабаларнинг таклифлари (очиқ саволлар таҳлили)**

Йўналиш	Таклиф билдирганлар улуши (%)
Ёшларни никоҳга психологик тайёрлаш	62
Оила қадриятлари ҳақида тарғибот ишларини кучайтириш	54
Талабалик даврида “Оилавий ҳаёт психологияси” фани жорий этиш	46
Оила қураётган ёшларга давлат томонидан моддий ёрдам	39
Ижтимоий тармоқларда соғлом муносабатлар тарғиботи	33

тармоқларнинг оилавий муносабатларга бевосита ёки билвосита салбий таъсири борлигини тан олади. 3,9 балл кўрсаткич бу муаммонинг сезиларли, аммо нисбатан баҳсли эканини билдиради. Виртуал алоқа, рашк, солиштириш ва вақтнинг самарасиз сарфи оиладаги ишончга салбий таъсир этади.

Тўртинчидан, ота-оналар аралашуви оилани бузади деган фикрга 41% тўлиқ, 37% қисман қўшилган. Ўртача балл – 3,8 бўлиб, бу омилнинг муҳимлигини, аммо ҳар бир оилавий ҳолатда турлича намоён бўлишини кўрсатади. Ота-оналар аралашуви кўпинча ёш оилаларда мустақил қарор қабул қилишни чеклайди, бу эса конфликтларни кучайтиради. Жадвал натижалари оилавий ажримларнинг кўп жиҳатдан психологик етуклик, иқтисодий барқарорлик ва ташқи ижтимоий босимлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Респондентлар фикрича, ёшлар оила қуришда нафақат моддий, балки руҳий тайёргарликни ҳам ошириши лозим.

Олинган маълумотларига кўра (3-жадвал), респондентлар оилавий ажримларни камайтириш учун бир қатор ижтимоий ва психологик йўналишларда чора-тадбирларни таклиф қилганлар. Энг кўп қўллаб-қувватланган йўналиш - “ёшларни никоҳга психологик тайёрлаш” (62%) бўлиб, бу кўрсаткич ёш оилаларнинг барқарорлиги психологик омилларга бевосита боғлиқлигини тасдиқлайди. Сўров натижалари шуни англатадики, кўпчилик ёшлар оила қуришдан аввал психологик етуклик, ҳиссий мувозанат ва ўзаро мулоқот маданиятини ривожлантириш зарурлигини эътироф этмоқда. Шу боис, никоҳдан олдинги психологик маслаҳатлар, тренинг ва семинарлар тизимини йўлга қўйиш жамиятда ажримлар сонини камайтиришга хизмат қилиши мумкин. Иккинчи ўринда “оила қадриятлари ҳақида тарғибот ишларини кучайтириш” (54%) туради. Бу натижа жамиятда оила институтининг қадриятли, маънавий асосла-

рини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, ёш авлод орасида садоқат, масъулият, ҳурмат ва ишонч каби қадриятларнинг заифлашуви оилавий муаммоларга олиб келаётганини кўпчилик респондентлар таъкидлаган. Шу боис, ОАВ, таълим муассасалари ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан соғлом оилавий қадриятларни тарғиб этиш муҳим йўналиш сифатида кўрилмоқда. “Талабалик даврида оилавий ҳаёт психологияси фанини жорий этиш” (46%) ҳақидаги таклиф эса олий таълим тизимида оилавий ҳаётга тайёрлашнинг илмий асосланган ёндашувини йўлга қўйиш зарурлигини англатади. Бу фан ёшларнинг оила қуриш, низоларни ҳал этиш, ролларни тўғри тақсимлаш, ҳиссий назорат ва мулоқот маданиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, оила психологияси бўйича таълим - профилактик чоралар ичида энг самарали восита сифатида кўрилади. “Оила қураётган ёшларга давлат томонидан моддий ёрдам бериш” (39%) таклифи эса иқтисодий барқарорлик масаласининг аҳамиятини ифодалайди. “Ижтимоий тармоқларда соғлом муносабатлар тарғиботи” (33%) энг кам, аммо замонавий шароитда энг долзарб йўналишлардан биридир. Сўров натижаларига кўра, ёшлар орасида интернет ва ижтимоий тармоқлар оилавий қадриятлар, ўзаро ишонч ва мулоқотга кучли таъсир кўрсатаётгани эътироф этилган. Шу боис, рақамли муҳитда соғлом оила модели, ҳурмат ва масъулият каби қадриятларни тарғиб этувчи контентлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Хулоса қилиб айтганда, респондентларнинг фикрича, оилавий ажримларни камайтиришнинг асосий йўналишлари - бу ёшларни психологик жиҳатдан тайёрлаш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, таълим тизимида оила психологияси фанини киритиш ҳамда иқтисодий ва ахборот соҳаларида қўллаб-қувватловчи муҳит яратишдир. Бундай комплекс ёндашув нафақат ажримлар сонини

камайтиришга, балки жамиятда соғлом, барқарор ва масъулиятли оилалар шаклланишига хизмат қилади.

Юқоридаги натижаларга асосланиб қуйидаги **хулосалар** шакллантирилди:

1. Оилавий ажримлар биргина сабаб билан изоҳланмайди, балки ижтимоий, иқтисодий, психологик ва маданий омиллар ўзаро таъсирида юзага келади. Оила ичидаги мулоқотнинг сустиги, ҳиссий мосликнинг етишмаслиги ва иқтисодий босимлар ажримларнинг энг муҳим сабабларидан бири сифатида намоён бўлади.

2. Никоҳга психологик жиҳатдан тайёр эмаслик ҳолатининг юқорилиги оилавий барқарорликка жиддий таъсир кўрсатаётгани аниқланди. Бу эса шахслараро мулоқот, сабр, эмпатия ва масъулият каби кўникмаларни шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

3. Ажримларнинг олдини олишда таълим, психологик маслаҳат ва ижтимоий профилактика тизимларини бирлаштирган комплекс ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Оила қадриятларини мустаҳкамлаш, ёшларни пси-

хологик, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш жамиятда соғлом ва барқарор оилаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги хулосаларга асосланиб, қуйидаги **таклифларни** илгари сурилмоқда:

1. Ёшлар учун никоҳга тайёргарлик тренинглари, психологик маслаҳат курслари ва интерактив семинарлар тизимини яратиш зарур. Бу дастурлар ҳиссий мувозанат, мулоқот маданияти ва конфликтни бошқариш кўникмаларини ривожлантиради.

2. Олий таълим муассасаларида ушбу фан орқали ёшларни оила тузиш, роли ва масъулиятни англаш, эмпатия ва ўзаро ҳурмат тамойилларига тайёрлаш лозим. Бу фан нафақат билим, балки ҳаётини компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади.

3. Ижтимоий тармоқларда оила, садоқат, ҳурмат ва ишонч мавзуларини ижобий намуналарда ёритувчи контентлар яратиш, блоглар, подкастлар ва видеороликлар орқали ёшларнинг оилавий қадриятларга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш тавсия этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акрамова З.Г. Ўсмирларнинг улғайишида оилавий низоларнинг салбий оқибатлари // Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 39. – №. 3. – С. 38-41.
2. Fromm E. The Art of Loving. - New York: Harper & Row, 1956. - 160 p.
3. Giddens A. The Transformation of Intimacy: Sexuality, Love and Eroticism in Modern Societies. - Cambridge: Polity Press, 1992. - 212 p.
4. Goode W.J. World Revolution and Family Patterns. - New York: Freye Press, 1962. - 380 p.
5. Gottman J.M. The Seven Principles for Making Marriage Work. - New York: Crown, 1999. - 288 p.
6. Ибайдуллаева У., Тиркашева М. Оилаларда юзага келаётган эр-хотин ўртасидаги ажримларнинг жамият учун салбий оқибатлари // International Journal of scientific and Applied Research. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 274-278.
7. Rogers C. On Becoming a Person. - Boston: Houghton Mifflin, 1980. - 420 p.
8. Утемуратова Д. Оилавий ажримларни олдини олишда ижтимоий педагогнинг ўрни ва вазифалари // Journal of Multidisciplinary Innovation in Science and Education. – 2025. – Т. 1. – №. 2. – С. 342-349.
9. Алтынбекова Е. Социально-экономические факторы семейных разводов в Казахстане // Вестник КазНУ. Серия социологическая. - 2018. - № 3. - С. 45-52.
10. Байгабылов С. Семейные ценности и разводы в современном обществе // Социологические исследования. - 2020. - № 7. - С. 33-39.
11. Кузьмина Н.В. Психология семьи и брака. - СПб.: Питер, 2012. - 320 с.